

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
TOSHKENT SHAHAR  
OLMAZOR TUMANI HOKIMLIGI  
HUZURIDAGI TADBIRKORLIK  
SUB'EKTLARIGA DAVLAT HIZMATLARI  
KO'RSATISH

«YAGONA DARCHA  
MARKAZI»

№

2016 yil



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта махсус таълим вазирининг

2016 йил "26" январдаги  
33 - сон буйруғига илова



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**«ТА'ЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ТА'ЛИМНИ ЖОРИЙ ETISH MARKAZI»**  
**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИ**  
**ЖОРИЙ ЭТИШ МАРКАЗИ**  
**УСТАВИ**  
**ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

Тошкент - 2016 йил

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi huzuridagi Ta`lim muassasalarida elektron ta`limni joriy etish markazi) (бундан кейин матнда - Марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 2012 йил 25 июлдаги 228-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида юқори технологик даражада ўқув жараёнини ташкил этиш учун электрон ўқув-методик, ахборот-кутубхона ресурслари ва ахборот тизимларини шакллантирилишини таъминловчи ягона органни ташкил қилиш мақсадида тузилган марказ ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва қонунчилик палатаси қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарор, фармон ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқларига, Хайъат қарорларига шунингдек, мазкур Уставга амал қилади.

3. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағлари, грантлари ҳамда хўжалик фаолиятдан олинган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

5. Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунди.

6. Марказ республика олий таълим муассасалари учун “Электрон таълим” миллий тармоғини мувофиқлаштирувчи ва методик марказ ҳисобланади.

7. Марказ манзили - Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 3-уй.

8. Марказ расман қўйидагича номланади:

давлат тилида – “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази”;

рус тилида - “Центр внедрения электронного образования в образовательных учреждениях при Министерстве высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан”;

инглиз тилида - «Centre for implementation of e-learning in the educational institutions under the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan».

9. Марказнинг қисқартирилган расмий номи:  
давлат тилида - "Электрон таълим" маркази;  
инглиз тилида - E-Learning center;  
рус тилида - Центр "Электронное образование".

## **II. Марказнинг мақсади, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари**

10. Олий таълим муассасаларида «Электрон таълим» миллий тармоғи фаолиятини такомиллаштириш ва бошқариш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини янада фаол жорий этиш Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари ҳисобланади:

«Электрон таълим» миллий тизимининг маъмури ва бошқариш функциясини амалга ошириш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан видеоконференц-алоқа ва масофадан ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг «Электрон таълим» миллий тизими ахборот-таълим ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ва «Электрон таълим» миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талабларни ишлаб чиқиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари педагоглари учун ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим жараёнида компьютер ускуналарида фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг компьютер ва коммуникация воситаларини янгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

“Таълим” ахборот тизимлари мажмуасининг олий таълим қисмини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб қуватлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вебсайтини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ва Уставга зид бўлмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириш.

## **III. Марказнинг ҳуқуқлари**

11. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

барча олий таълим муассасаларига тўғридан-тўғри мурожаат этиш ва топшириқлар ижроси бўйича маълумотлар сўраб олиш;

ўз ваколатига тегишли бўлган ва қонунчиликка ҳамда ушбу Уставга зид бўлмаган зарур қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни амалга ошириш, ўз фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий масалаларини мустақил ҳал этиш;

ўзига тегишли бўлган мол-мулкка, интеллектуал ва бошқа мулкка, хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият натижасида олинган маҳсулотларга, даромадларга, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда сотиб олинган мол-мулкка белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

шартнома асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, олинган даромадни Марказ ходимларини моддий рағбатлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадқиқот ташкилотларининг ходимларини, олий таълим муассасаларининг, шу жумладан хорижий олий таълим муассасаларининг олимлари ва ўқитувчиларини шартнома асосида тармоқ экспертлари сифатида тадқиқотларга жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, ташкилотларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот хизматлари кўрсатиш;

ҳалқаро ва ишбилармонлик ҳамкорлигини ўрнатилган тартибда амалга ошириш, Марказ ходимлари ва мутахассисларини хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш, хорижий мутахассисларни ва хорижий компаниялар вакилларини таклиф этиш ва қабул қилиш;

давлат ва хўжалик ва бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ҳамда давлат бошқа ташкилотларидан зарур йўриқномавий, статистик, ахборот материаллари ва таҳлилий материалларни ўрнатилган тартибда олиш;

ўзининг моддий-техника базасини ривожлантириш, асосий фондларни капитал куриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш;

ҳисоб рақамлари очиш ва улар бўйича тегишли операцияларни амалга ошириш;

Марказ томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга (ишларга, хизматларга) нархлар ва тарифларни белгилаш;

телекоммуникация ва компьютер алоқа воситаларини сотиб олиш ва улардан фойдаланиш.

#### **IV. Марказнинг бошқаруви**

12. Марказга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

Директор барча давлат ва хўжалик органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, жамоат бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда, шунингдек чет элда Марказ номидан вакиллик қилади.

13. Директор:

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ушбу Уставга риоя қилиниши учун шахсан жавоб беради, Марказ ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини белгилайди;

Марказнинг маблағларини ишончномасиз, ўз ваколатлари доирасида, белгиланган тартибда тасарруф этади;

Марказ номидан шартномалар тузади, бундай шартномалар тузишга ишончномалар беради;

зарурият бўлганда, Вазирлар Маҳкамасига, Вазирлик билан келишилган ҳолда, Марказнинг амалдаги тузилмасига тасдиқланган штатдаги ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклиф киритади;

вақтинчалик илмий-тадқиқот жамоаларини ташкил этиш учун экспертларни шартнома асосида жалб этади;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизими ва шакллари белгилайди, лавозим маошларига устамалар ва қўшимча ҳақлар белгилайди, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси асосида Марказ ходимлари билан бир йилга меҳнат шартномаси (контракт) тузади, унда Марказ ходимининг функциялари ва вазифалари аниқ кўрсатилади ҳамда у бажарилган иш натижаларига боғлиқ равишда узайтирилиши мумкин;

Марказ фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқади ва ҳал этади.

#### **V. Марказнинг молиявий фаолиятини юритиш**

14. Марказ молиявий маблағлар ва тегишли мол-мулкига эга бўлади.

15. Марказнинг молиявий манбалари кўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари; халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағлари ва грантлари; хўжалик фаолиятдан олинган маблағлар; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Хўжалик ҳисобидан ишлаб топилган ва ҳомийлар кўмагида шакллантирилган молиявий маблағлардан Марказнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўз ходимларини рағбатлантиришда фойдаланилади.

17. Ижарага бериладиган ортиқча мулклардан келадиган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли бадаллари, ҳомийлик маблағлари, хорижий илмий-тадқиқот ва ўқув муассасалари, шунингдек, бошқа юридик шахсларнинг грантлари, техник кўмаги ва беғараз ёрдамларидан келган даромадлар ҳам Марказнинг молиявий маблағлари ҳисобига киради. Бу маблағлар ушбу Уставда белгиланган вазифалар, моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилади.

18. Марказ ўз фаолиятини ривожлантириш учун қонунчиликда тақиқланмаган қўшимча хизмат турларини ташкил қилиши мумкин. Қўшимча хизматлар ташкил қилиш натижасида олинган даромадлар ушбу Уставда белгиланган вазифалар, моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилади.

#### **VI. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

19. Марказ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазири буйруғига биноан киритилиши мумкин.

#### **VII. Марказ фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш**

20. Марказ фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

21. Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатишда ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этиш кафолатланади.

Тасдиқлайман:

8.01.2016



Р.Курбанов

